


I. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-март ойларида Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 4294,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва саноат ишлаб чиқариш индекси 124,1 фоизни ташкил этди.

2021 йил январь-март ойларида 868,0 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2020 йил январь-мартга нисбатан 114,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 540,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 327,1 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2020 йил январь-мартга нисбатан мос равища 112,6 фоиз ва 116,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Январь-март ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати



Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2727,8 млрд. сўмни ўсиш суръати 118,7 % ни ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ичимлик ишлаб чиқариш 99,7 % ни, кийим кечак ишлаб чиқариш 87,1 % ни, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 150,3 % ни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.



Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-март ойларида Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 436,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 119,0 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати индекси табиий газ 54,6 %ни, нефть 112,5 %ни, кондесат қазиб олиш ҳажми 87,7 %ни ва бошқа тоғ-кон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръати 69,7 % ни ташкил этди.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1098,6 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 25,6 %ни) ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўсиш суръати индекси ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 166,8 %ни ташкил этган.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 31,1 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,7 %ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2021 йил январь-март ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 94,3 %ни ташкил этган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

ҳажми

(2021 йил январь-март ойларида)


	млрд. сўм	ўсиши суръати индекси, фоиз хисобида
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми	4294,4	124,1
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш улардан:	436,9	119,0
<i>Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш</i>		
	217,3	61,6
Қайта ишлаш саноати	2727,8	118,7
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	535,3	100,1
Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш	22,7	99,7
Тўқимачилик буюмлари	1127,3	150,3
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	888,8	129,9
Мебел ишлаб чиқариш	12,2	73,7
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	28,7	47,9
Металлургия саноати	9,6	131,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1098,6	166,8
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	31,1	94,3
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	868,0	114,4
<i>шу жумладан</i>		
Озиқ-овқат товарлари	540,9	112,6
Ноозиқ-овқат товарлари	327,1	116,9



Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қиласи. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини қўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-март ойларида 4294,4 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,1 % ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 1999,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга нисбатан 46,6 % ни ташкил этсада, нодавлат секторида 2294,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 53,4 % ни ташкил этди.

Давлат ва нодавлат секторларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш,%да




Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-март ойларида 4294,4 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан физик ҳажм индекси 124,1 %ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қўйидагича тавсифланади.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти ўсиш суръати 119,0 %ни, қайта ишлаш саноати 118,7 %ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 166,8 %ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йигиши ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар 94,3 %ни ташкил этди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш ҳажми (йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2021 йил январь-март	2020 йил январь-мартга нисбатан %да
--	---------------	----------------------	-------------------------------------

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Табиий газ	млн. м ³	376,3	54,6
------------	---------------------	-------	------

	Үлчөв бирлиги	2021 йил январь-март	2020 йил январь- марта нисбатан %да
--	--------------------------	---------------------------------	--

Нефть	<i>минг тн.</i>	7,7	112,5
Сулютирилган газ	<i>минг тн.</i>	35,4	92,5
Конденсат	<i>минг тн.</i>	38,4	87,7

Ишлаб чиқаралған саноат


Ун	<i>тн.</i>	36734,4	100,6
Нон маҳсулотлари	<i>тн.</i>	111,0	28,5
Омухта ем	<i>тн.</i>	21297,0	99,0
Тозаланған ўсимлик мойи	<i>тн.</i>	1249,0	60,8
Макарон маҳсулотлари	<i>тн.</i>	47,0	25,0
Ароқ ва ликёр маҳсулотлари	<i>минг л.</i>	551,9	119,6
Вино маҳсулотлари	<i>минг л.</i>	212,8	85,9
Калава ип	<i>тн.</i>	7814,0	93,0
Олтингүргүрт	<i>минг тн.</i>	0,3	113,6
Линт	<i>тн.</i>	1944,8	2,0 м.
Пахта толаси	<i>тн.</i>	27083,6	2,2 м.
Пахта чигити	<i>тн.</i>	39761,1	2,1 м.
Шрот ва шелуха	<i>тн.</i>	5945,0	60,8

	Үлчөв бирлиги	2021 йил январь-март	2020 йил январь- мартга нисбатан %да
Хўжалик совуни	<i>тн.</i>	231	140,6
Калий ўғити	<i>минг тн.</i>	50,0	102,8
Термопласт қувурлари	<i>тн.</i>	808,0	55,8
Полиэтилен	<i>тн.</i>	35018	100,7
Буг ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	<i>минг Гкал.</i>	828,9	98,5

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Нишон тумани (Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 27,0 %), Фузор тумани (19,4 %), Қарши шаҳар (15,0 %), Касби тумани(8,5 %), Қарши тумани (5,9 %) хиссасига тўғри келади.

2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси, % да




Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан келиб Қашқадарё вилояти ва туманларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини туманлараро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, ҳудудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-март ойларида Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 4294,4 млрд. сўмни ташкил этиб, вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 1285,0 минг сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 122,1 %га етказилганлигини кузатишими мумкин. Шунингдек вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши аҳоли жон бошига 259,7 минг сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 112,7 %га етди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рафбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 14,4 % га ошишига олиб келди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 20,2 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 516,8 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 59,5 % ни, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 327,1 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 37,7 % ни, алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш 24,1 млрд.сўм хисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 2,8 % ни ташкил этди.

Ҳудудларнинг истеъмол товарларининг улуши, % да




Туманларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми энг юқори улушга эга бўлган Қарши шаҳар (30,1 %), Қарши тумани (11,5 %) ташкил этади. Шунинг билан бирга энг кам улушга эга бўлган Дехқонобод (1,5 %), Муборак (2,0 %) туманларига тўғри келади.

Ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг физик ҳажм индекси, % да (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)



Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда энг юқори ўсиш суръатлари Қамаши тумани (113,9 %), Касби тумани (118,8 %) кузатилмоқда.

Худудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари, % да
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)




Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суръатлари Шаҳрисабз тумани (113,4 %), Қарши тумани (110,1 %), Нишон тумани (110,1 %), Шаҳрисабз шаҳар (108,7 %), Дехқонобод тумани (107,7 %) кузатилган.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси


Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш кузатилди. Дастребки маълумотлар бўйича 2021 йилнинг январь-март ойларида Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 21,6 % ни ташкил этди.

2021 йил январь-март ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, %да




Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Китоб тумани жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши (94,1%), Миришкор тумани (89,7 %) ва Шахрисабз (80,5 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Дехқонобод (10,1%), Ғузор (3,6 %), Нишон (1,9 %) туманларида кузатилди.

Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми, (минг сўмда)



Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсаткич Нишон туманига (7429,9 минг сўм), Гузор туманига (4000,4 минг сўм), Қарши шахри (2312,7 минг сўм) га тўғри келди. Энг паст кўрсаткич эса Чироқчи тумани (234,6 минг сўм), Китоб тумани (175,7 минг сўм) га тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг ҳажми, (минг сўмда)



Ҳудудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсаткич Қарши шахри (938,1 минг сўм), Шахрисабз шахри (395,0 минг сўм), Шахрисабз тумани (346,0 минг сўм), Қарши тумани (394,3 минг сўм) га тўғри келади. Энг паст кўрсаткич эса Дехконобод тумани (87,9 минг сўм), Чироқчи тумани (105,1 минг сўм) га тўғри келади.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириши Дастурининг амалга оширилиши

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириши Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 105 та лойиҳа бўйича 46,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.


**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-март ойларида)**

	<i>2020 йил</i>	<i>2021 йил</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	42	105
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	35	50
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	12,3	46,6
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	-	0,1
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	18	46

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб
чиқарилиши**

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 815,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 151,3 фоизни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 15,8 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 19,0 фоизни ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 фоизга қўпайган.

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг
саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши**




Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 4224 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 805 таси Қарши шаҳри ва 484 таси Китоб, 384 таси Яккабоғ, 341 таси Шахрисабз шаҳар, 342 таси Чироқчи, 309 таси Қарши, 223 таси Қамаши, 221 таси Косон, 217 таси Шахрисабз, 234 таси Ғузор, 142 таси Нишон, 204 таси Касби ва 117 таси Миришкор туманларига тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик

(2021 йил январь-март ойларида)



■ Янги ташкил этилганлар ■ Фаолият юритаётганлар

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятда 396 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 17,9 фоизи Қарши шаҳрига, 11,1 фоизи Касби, 10,1 фоизи Ғузор, 9,0 фоизи Қарши, 6,8 фоизи Яккабоғ, 6,5 фоизи Қамаши, 6,5 фоизи Китоб, 6,5 фоизи Шахрисабз шаҳар, 5,3 фоизи Чироқчи, 5,0 фоизи Миришкор, 4,0 фоизи Косон, 3,3 фоизи Муборак, 3,0 фоизи Шахрисабз, 3,0 фоизи Нишон ҳамда 1,5 фоизи Дехқонобод туманларига тўғри келади.